



РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ, ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ (КРИПТО- АКТИВЛАР ВА P2P ТРАНЗАКЦИЯЛАР ТАҲЛИЛИ МИСОЛИДА)

Курамбаев Тохир Хосинбаевич

ИИВ Академияси Киберхуқуқ кафедраси бошлиғи,

ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21869969>

Мамлакатимизда рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ва иқтисодиётнинг рақамлашуви кибержиноятчиликнинг янги, янада мураккаб турларининг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Хусусан, статистик маълумотларга кўра, 2025 йилда содир этилган жами кибержиноятларнинг 75 фоизи бевосита криптовалюталар ва электрон пуллар айланмаси билан боғлиқ бўлиб, бу жиноий даромадларни легаллаштиришда рақамли активлар асосий воситага айланиб бораётганини кўрсатади [1]. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни ўз вақтида фош этиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан рақамли далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш борасида юқори малака ҳамда замонавий криминалистик ёндашувларни талаб этади.

Ҳозирги кунда жиноий пулларни ювиш жараёнлари асосан электрон пуллар, тотализаторлар ва крипто-активлар орқали амалга оширилмоқда. Бироқ, ҳуқуқни қўллаш амалиётида жойлардаги тергов ва тезкор ходимларнинг рақамли далилларни аниқлаш, уларни олиш, транзакцияларни таҳлил қилиш ва процессуал тарзда расмийлаштириш борасида етарли билим ва амалий кўникмага эга эмаслиги жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда [2]. Хусусан, амалиётда крипто-активлар бўйича P2P (peer-to-peer) операциялари билан шуғулланувчи шахсларнинг уяли алоқа воситаларини кўздан кечириш ва улардан криптобиржа ордерларини аниқлаб олиш жараёнида қатор қийинчиликлар юзага келмоқда.

Масалан, гумон қилинувчи А. исмли шахс Bitget, Binance ёки Bybit каби криптовалюта биржаларида akkaунт очиб, оддий валюта айирбошлашга ўхшаш ноқонуний P2P операцияларини амалга оширади. У биржада криптовалюта сотиш ёки сотиб олиш бўйича эълон жойлайди (*масалан, 1 криптовалюта ни муайян миқдордаги сўмга баҳолаб*), харидор Б. эса унинг банк картасига онлайн пул ўтказиб беради, шундан сўнг биржа кафиллиги остида крипто-актив харидорга ўтказилади. Бундай ҳолларда гумондордан пулларнинг келиб чиқиш манбаси сўралганда, улар аксарият ҳолларда “билмайман” деган важларни келтиради [3]. Бундай ҳолатларнинг келиб



чиқишидаги асосий илмий ва амалий муаммо – рақамли далилларни тўплаш ва текшириш босқичида ходимларнинг гумон қилинувчи телефонидаги крипто-ҳамёнлар, блокчейн шартномалари ва биржа иловалари ичидаги транзакциялар занжирини ўқий олмаслиги, шунингдек, рақамли изларни криминалистик жиҳатдан тўғри қайд эта билмаслиги билан изоҳланади.

Мазкур муаммони бартараф этиш ва жиноятларни фош этиш учун рақамли далилларни баҳолашнинг бошланғич босқичи сифатида транзакция ордерини олиш вақтида тўғри ҳаракат қилиш талаб этилади. Аниқроқ айтганда, олинган ордер асосида тегишли биржага расмий сўровнома юборилиб, иккала томоннинг шахси ҳамда амалга оширилган транзакция тарихи тўлиқ аниқланади. Бу орқали Б. исмли шахс А. га маблағ ўтказгани ва эвазига криптовалюта олгани исботланади, сўнгра Б. билан тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали айбни исботловчи далиллар занжири яратилади. Ушбу жараён рақамли далилларни текширишнинг асосий механизми бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, рақамли далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги илмий-амалий ечимлар таклиф этилади:

1. Кибержиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан жойлардаги ходимлар учун крипто-ҳамёнларни кўздан кечириш, P2P биржа ордерларини олиш ва рақамли далилларни процессуал жиҳатдан расмийлаштириш бўйича махсус амалий қўлланма тайёрлаб амалиётга жорий этиш [4];

2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари учун етакчи крипто-биржалар билан тезкор ҳамкорлик қилиш, электрон жиноят изларини рақамли криминалистика талаблари асосида баҳолаш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли криминалистика соҳасида рақамли далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнларини янада такомиллаштириш кибержиноятларга қарши курашишнинг асосий шarti ҳисобланади. Айниқса, крипто-активлар ва P2P операциялари билан боғлиқ ноқонуний схемаларни фош этишда транзакция ордерларини аниқлаш ҳамда биржалар билан ҳамкорлик қилиш механизмларини амалиётга чуқур жорий этиш талаб этилади. Бу эса ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг махсус билим ва қўникмаларини мунтазам



ошириб боришни ҳамда соҳага доир методик қўлланмалар яратишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратурасининг кибержиноятчилик статистикаси ва таҳлилий маълумотлари. – Тошкент, 2025.
2. Ражабов Б. Рақамли иқтисодиёт ва крипто-активлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш муаммолари. – Тошкент: Ҳуқуқ ва бурч, 2024. – Б. 112-115.
3. Криминалистика ва суд экспертизаси муаммолари: илмий-амалий тўплам. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025. – Б. 45-48.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Крипто-активлар айланмаси соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қонуни ва унга шарҳлар. – Тошкент: Адлия вазирлиги, 2023.